



## «FINANCE AUDIT» MCHJ auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Navoiy shokkuchasi 35 uy, h/r: 20208000800276242001, ТИФ Миллий банк Тошкент бош офиси, MFO: 00450, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20, email: [financeaudit2019@mail.ru](mailto:financeaudit2019@mail.ru)

Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

### МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

2024 йил 30 май

"Шеробод пахта тозалаш" АЖ  
Рахбариятига

"Шеробод пахта тозалаш" АЖнинг реквизити: Ўзбекистон Республикаси, Сурхандарё вилояти, Шеробод тумани, Катта хаёт МФЙ С Рахимов кучаси 2 д уй, АКБ Агробанк Шеробод филиали, МФО: 00337 ИНН: 200497491, хр: 20210000000547158001.

Биз "Шеробод пахта тозалаш" АЖнинг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия балансидан, кўрсатилган санада тугаган давр мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик. Молиявий ҳисоботлар "Шеробод пахта тозалаш" АЖ рахбарияти томонидан БХМС ва Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонунга асосан тайёрланган.

#### Корхона рахбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона рахбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни БХМС ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонунга мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Корхона рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

#### Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда ақс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти рахбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

#### Фикр

Бизнинг фикримизча, "Шеробод пахта тозалаш" АЖнинг 2023 йил 31 декабр ҳолати учун молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда БХМС ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонунга мувофиқ тайёрланган.

МCHJ "FINANCE AUDIT" АТ рахбари:

У.Рахмонова

